
ҚУВАСОЙДА 40 МЛН. ДОЛЛАР ХИТОЙ ИНВЕСТИЦИЯСИ ҲИСОБИГА ПРЕМИУМ СИФАТДАГИ КЕРАМОГРАНИТ ПЛИТАЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНДИ

Вилоят ҳокими Ҳайрулло Бозоров Хитойнинг “Crown ceramic” компанияси директори Сянь Чень Ганни қабул қилди.

Учрашувда Хитой компаниясининг тўғридан тўғри 40 млн. доллар инвестицияси ҳисобига Қувасой шаҳрида барпо этишга киришилган премиум сифатдаги керамогранит плиталари ишлаб чиқариш заводи лойиҳасини амалга ошириш билан боғлик масалалар мұхокама қилинди.

Ушбу лойиҳа вилоят ҳокими бошчилигидаги Фарғона вилояти делегациясининг жорий йил январь ойида Хитой Халқ Республикасига амалий ташрифи чоғида эришилган келишувлар доирасида амалга оширилмоқда.

Жорий йил март ойи бошида қурилиш ишлари бошланган ушбу завод, йиллик 10 млн. кв. метр юқори сифатдаги ва катта ўлчамлардаги керамогранит плиталари ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ички бозор билан бирга МДҲ давлатлари ҳамда Шарқий Европа мамлакатларига экспортга йўналтирилади. Жорий 2024 йил якунидага ишга туширилиши режалаштирилаётган ушбу йирик заводда 500 га яқин доимий иш ўрни яратилади.

Вилоят ҳокими Сянь Чень Ганга “Crown ceramic” МЧЖ хорижий корхонасининг вилоятимизда давлат рўйхатидан ўтказилгани тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Хитойнинг яна бир йирик компанияси – Jianhua Ceramics томонидан “Қўқон” ЭИЗ ҳудудида керамика маҳсулотлари ва кафель ишлаб чиқариш бўйича йирик инвестицион лойиҳа ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу лойиҳага хитойлик инвесторларнинг 50 млн. доллар тўғридан тўғри инвестицияси йўналтирилган. Қурилиш ишлари ўтган йилнинг ноябрь ойида бошланган бўлиб, ҳозирда жадаллик билан давом этмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-04-05 23:08:00